ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

# Фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш бўйича

# Қ Ў Л Л А Н М А

Тошкент – 2021 й.

# Фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш бўйича ҚЎЛЛАНМА

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик маълумотларни тақдим этишда фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Давлат статистика қўмитаси томонидан маълумотлар фойдаланувчиларга қўмита расмий веб-сайти орқали, ижтимоий тармоқлар, нашрлар, сўровлар ҳамда фойдаланувчиларнинг мурожаатлари асосида тақдим этилади.

**1.** Ўзбекистон Республикаси **Давлат статистика қўмитаси тўғрисида умумий маълумотлар** қўмита веб-сайтининг (https://stat.uz) **“Қўмита ҳақида”** бўлимида жойлаштирилган.




Мазкур бўлимда Давлат статистика қўмитасининг асосий вазифалари, устувор йўналишлари, ваколатлари, ҳуқуқий асослари, қўмита тузилмаси, раҳбарияти, марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, статистик кенгаши, қўмита ҳайъати, жамоатчилик кенгаши, халқаро ҳамкорлик, ёшлар сиёсати, бўш иш ўринлари ва бошқа умумий маълумотлар ўрин олган.

Шунингдек, мазкур бўлимда Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги **Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти** фаолияти билан танишиш имконияти мавжуд (http://instat.uz).



Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти давлат статистика органлари ходимлари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда статистик усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан тадқиқотларни ўтказиш муассасаси ҳисобланади.

Институтда “Эконометрика ва статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (DSc.30.09.2019.I.92.01 рақамли) фаолият юритади. Мос равишда, ҳар йили ажратиладиган қабул квоталарига асосан, илмий изланувчилар учун мазкур ихтисосликлар бўйича таянч докторантура ва докторантура ташкил этилади.

**2.** Веб-сайтнинг **“Меъёрий ҳужжатлар”** бўлимида Давлат статистика қўмитаси фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, қўмитанинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари келтирилган (https://stat.uz/uz/me-yoriy-huquqiy-hujjatlar/o-zbekiston-respublikasining-qonunlari).




Шунингдек, мазкур бўлимда “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси” (https://stat.uz/uz/me-yoriy-huquqiy-hujjatlar/statistika-tizimini-rivojlantirishning-milliy-strategiyasi) акс этган.

Статистикани ривожлантириш миллий стратегияси (СРМС) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Жаҳон банкининг ташаббуси бўлиб, у фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган статистиканинг долзарблигини ошириш, статистик тизимларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, мамлакатда миллий статистика тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.



**3.** Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи асосий **статистик жадваллар** қўмита веб-сайтининг (https://stat.uz) **“Очиқ маълумотлар”** бўлимида жойлаштирилган.




Мазкур бўлимдаги маълумотлар йиллар бўйича динамик қаторларда, республика ҳудудлари, ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодий фаолият турлари кесимида жойлаштирилган. Жумладан, ушбу бўлимда ялпи ички маҳсулот, нарх ва индекслар, инвестициялар, қурилиш, ташқи иқтисодий фаолият, ички савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология, хизматлар, демография, меҳнат бозори, аҳоли турмуш даражаси, кичик бизнес ва тадбиркорлик, корхона ва ташкилотлар демографияси, ҳуқуқбузарлик, атроф-муҳит каби соҳаларга оид маълумотлар ўрин олган. Маълумотларни эълон қилиш муддатлари мазкур бўлимнинг “Расмий статистика тақвими”да (https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/rasmiy-statistika-kalendari) келтирилган.




**4.** Республика иқтисодиётида ва ижтимоий соҳаларда юзага келаётган тенденциялар, умумий ривожланиш ҳолатлари ва уларга таъсир этаётган омилларни чуқур акс эттирувчи таҳлилий маълумотлар қўмита томонидан ойлик ва чораклик даврийликда соҳалар бўйича **пресс-релизлар** шаклида веб-сайтнинг **“Нашрлар”** бўлимида (https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/7658-2021-yil) жойлаштирилган.




Пресс-релизларни эълон қилиш муддатлари мазкур бўлимнинг “Пресс-релизлар тақвими”да (stat.uz/uz/nashrlar-menu/press-relizlar-taqvimi) келтирилган.

**5.** Қўмита томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” **чораклик ахборотномаси** ҳамда **ойлик рисоласи** шакллантирилиб, қўмита веб-сайтининг **“Нашрлар”** бўлимида (https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021, https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/risolalar) жойлаштирилган.




Мазкур нашрлар турли тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади. Шунингдек, нашрларда ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, транспорт ва алоқа, нарх, меҳнат бозори, аҳоли турмуш даражаси ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.




Ахборотнома ва рисолаларни эълон қилиш муддатлари **“Нашрлар”** бўлимининг “Нашрлар тақвими”да (https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/nashrlar-taqvimi) келтирилган.

**6.** Давлат статистика қўмитаси томонидан иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича йиллик расмий **статистик тўпламлар** чоп этилиб фойдаланувчиларга тақдим этиб келинмоқда. Мазкур тўпламларни Давлат статистика қўмитасига ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилган ҳолда ёки қўмита веб-сайтининг “Электрон дўкон” бўлимида (http://web.stat.uz/search/book_reg/uz/main.php) расмийлаштирган ҳолда шартнома асосида харид қилиш имконияти яратилган.



**7.** Фойдаланувчиларга қўмита томонидан тақдим этиладиган хизмат турлари, электрон ҳисоботларни тақдим этиш, статистикага тегишли услубий материаллардан фойдаланиш ва бошқа фойдали маълумотларни олишда янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида қўмита веб-сайтида **“Интерактив хизматлар”** бўлими жорий этилган.




Мазкур бўлимнинг “Хизматлар рўйхати” саҳифасида (https://stat.uz/uz/interaktiv-xizmatlar/xizmatlar-ro-yxati) Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этиладиган хизмат турлари, хизматлар паспорти, регламенти ва хизматдан фойдаланувчилар бўйича маълумотлар акс эттирилган.




Бўлимнинг “Электрон ҳисобот” саҳифасида ҳисобот топширувчи субъектлар учун электрон шаклда статистик ҳисоботлар тақдим этиш бўйича маълумотлар жойлаштирилган.



“Электрон ҳисобот” саҳифасида фойдаланувчилар учун ҳисобот шаклларининг рўйхати, ҳисобот топшириш бўйича дастурни юклаб олиш, фойдаланувчи қўлланмаси, электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича маълумотлар берилган.

Мазкур саҳифада ***eStat4.0* статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг онлайн тизимидан фойдаланиш учун қўлланма** жойлаштирилган бўлиб (https://stat.uz/images/uploads/docs/qollanma_estat4.pdf), қўлланмада электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тушунтирилган.




**eStat4.0** статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг онлайн тизимига кириш my.stat.uz манзили бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Интерактив хизматлар порталига кириш орқали амалга оширилади. Шунингдек, фойдаланувчилар **eStat4.0** тизими орқали ҳисобот топшириш бўйича сайтдаги видеоқўлланмадан ҳам фойдаланишлари мумкин (https://stat.uz/uz/interaktiv-xizmatlar/elektron-hisobot).




**“Интерактив хизматлар”** бўлимининг “Корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот” саҳифасида фойдаланувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахс мақомига эга бўлган барча корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотларни олишлари мумкин.




Шунингдек, фойдаланувчилар корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни интернет тармоғидаги http://registr.stat.uz/enter_form/index.php ҳаволаси орқали корхонанинг СТИР рақамини киритган ҳолда олишлари мумкин.

Мазкур маълумотлар таркибида юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами, рўйхатдан ўтказувчи орган, юридик шахснинг номи, ташкилий ҳуқуқий шакли, иқтисодий фаолият тури, қайси давлат бошқаруви органи таркибига кириши, кичик тадбиркорлик субъектларига мансублиги, фаоллик ҳолати, устав фонди, таъсисчилар ва уларнинг устав фондидаги улуши, электрон почта манзили, алоқа телефони, манзили, корхона раҳбари ҳақида маълумотлар акс эттирилган.




**“Интерактив хизматлар”** бўлимининг “Услубий материаллар” саҳифасида статистика соҳаларига оид услубий қўлланмалар ва бошқа материаллар жойлаштирилган.



Мазкур саҳифа орқали фойдаланувчилар Давлат статистика қўмитасининг “e-stat Library” услубий материаллар саҳифасига (http://lib.stat.uz) ўтишлари ва маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.




Услубий материаллар электрон кутубхонаси, услубий низомлар ва йўриқномаларнинг тизимлаштирилган рўйхати, статистик кузатувлар ўтказиш ва ташкиллаштириш масалаларини регламентлашни ўз ичига олади.

**“Интерактив хизматлар”** бўлимининг “Статистик классификациялар” саҳифасида (https://stat.uz/uz/interaktiv-xizmatlar/statistik-klassifikasiyalar) статистика соҳаларида қўлланилаётган статистик таснифлагичлар ва маълумотномалар жойлаштирилган.



Мазкур саҳифада таснифлагич ва маълумотноманинг номи, халқаро ва давлатлараро аналоглари, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат, жорий этилган даври тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Жумладан, фойдаланувчилар саҳифа орқали “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ)”, “Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ)”, “Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ) идоравий маълумотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ)” каби таснифлагич ва маълумотномаларни юклаб олишлари мумкин.

**“Интерактив хизматлар”** бўлимининг “Тақдим этиладиган ҳисоботлар рўйхати” саҳифасида ҳисобот топширувчи субъектлар томонидан тақдим этилиши шарт бўлган давлат статистика ҳисоботлари шакллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.




Шунингдек, “Тақдим этиладиган ҳисоботлар рўйхати” саҳифасига http://web.stat.uz/search/hisobot/uz/users.php ҳаволаси орқали ўтиш мумкин.



Мазкур ойнада ҳисобот топширувчи субъект ўзининг СТИР рақамини киритган ҳолда топшириши зарур бўлган ҳисоботлар рўйхатини шакллантириб олиши мумкин.

Ҳисоботлар рўйхати қуйидаги кўринишда автоматик тарзда шакллантирилади:


O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI

DAVLAT STATISTIKA QO`MITASI

Orqaga qaytish

**Название организации:** "GOLDEN-STELLA" mas'uliyati cheklangan jamiyati

**ИНН:** 305579920

**Hisobot shakllar**

| Hisobot turi | Hisobot nomi | Hisobot taqdim etish muddati |
|---|---|---|
| 1-invest (xorijiy) (yillik) | O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIGA CHET ELDAN KIRITILGAN INVESTITSIYALAR VA O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAN ChET ELGA YO`NALTIRILGAN INVESTITSIYALAR TO`G`RISIDA HISOBOT | 1- maydan kechiktirmay |
| 4-kb (sanoat) (choraklik) | MIKROFIRMA VA KICHIK KORXONALAR FAOLIYATI BO`YICHA SAVOLNOMA | Savolnomani to`ldirish davridan keyingi oyning 5 sanasiga qadar |
| 4- korxona(miz) (12-korxona shakliga ilova) (choraklik) | Maxsus iqtisodiy zona, kichik sanoat zona, texnopark ishtirokchisi bo'lgan tashkilotlar va klasterlar faoliyati to'g'risida hisobot | hisobot davridan keyingi oyning 20-sanasidan kechiktirmay |
| 1-KB shakli yillik | "Mikrofirma va kichik korxonaning hisoboti" | 26 fevraldan kechiktirmasdan (chet el investitsiyalari va xorijiy sarmoya ishtirokidagi korxonalari 26 martdan kechiktirmasdan) |
| 4-invest (xorijiy) (choraklik) | O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIGA INVESTITSIyaLAR VA O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAN ChET eLGA YO`NALTIRILGAN INVESTITSIyaLAR TO`G`RISIDA HISOBOT | Hisobot davridan keyingi oyning 29-sanasidan kechiktirmay |

Юридик шахсларнинг "Корхона ва ташкилотлар умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) коди"ни билиш учун фойдаланувчилар **"Интерактив хизматлар"** бўлимининг "Корхона ва ташкилот КТУТ кодини аниқлаш" саҳифасига (http://web.stat.uz/search/ktut/uz/users.php) мурожаат этишлари мумкин.



Фойдаланувчилар учун Давлат статистика қўмитаси маълумотлари билан бир қаторда бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларига кириш ёки мурожаат этиш бўйича қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қўмита веб-сайтининг **“Интерактив хизматлар”** бўлимида “Фойдали ҳаволалар” саҳифаси жорий қилинган.




Мазкур саҳифа орқали фойдаланувчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтига, ҳукумат порталларига, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, марказий муассасалар, банклар, қўмиталар, марказлар, давлат инспекциялари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ассоциация ва концернлар, компаниялар, бирлашмалар ва фондларнинг сайтларига ўтишлари мумкин. Шунингдек, мазкур саҳифада халқаро статистика ташкилотлари, МДҲ давлатлари, Европа ва Осиё давлатлари миллий статистика идоралари веб-сайтларининг ҳаволалари келтирилган бўлиб, фойдаланувчилар учун бошқа давлатлар бўйича статистик маълумотлар олиш имконияти яратилган.

**8.** Турли гуруҳ фойдаланувчиларига, жумладан журналистлар, блогерлар, оммавий ахборот воситалари ходимларига қўмита янгиликлари, қўмита томонидан шакллантирилаётган маълумотлар бўйича эълонлар, тушунтиришлар, ўзаро ҳамкорлик, ташкил этилаётган матбуот анжуманлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишда кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида қўмита веб-сайтида **“Матбуот хизмати”** бўлими жорий этилган.



**“Матбуот хизмати”** бўлимининг “Қўмита янгиликлари” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar) қўмита тизимида юз бераётган янгиликлар, тадбирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси, ҳудудлари ва иқтисодиёт соҳалари бўйича шакллантирилаётган долзарб статистик маълумотлар эълон қилиб борилади.




**“Матбуот хизмати”** бўлимининг “Эълонлар” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/e-lonlar) Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинаётган статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, пресс-релизлар, расмий нашрлар, ташкил этилаётган тадбирлар, услубий материалларга киритилаётган ўзгартиришлар, ўтказилаётган танловлар ва бошқа маълумотлар бўйича эълонлар жойлаштириб борилади.




Бўлимнинг “Нашрлар - статистика ҳақида” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/nashrlar-statistika-haqida) республикада фаолият юритаётган газета ва журналларда Давлат статистика қўмитаси ва унинг тизим ташкилотлари ҳақида ҳамда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида ва статистика соҳасида рўй бераётган ҳодисалар тўғрисидаги мақолалар бўйича янгиликлар чоп этиб борилади.




**“Матбуот хизмати”** бўлимининг “Раҳбариятнинг чиқиш ва баёнотлари” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/rahbariyatning-chiqish-va-bayonotlari) Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг қўмита ва унинг ҳудудий статистика бошқармалари томонидан ўтган даврлар мобайнида амалга оширилган ишлари юзасидан маърузалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат томонидан тизим олдига белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар эълон қилиб борилади. Мазкур маълумотлар таркибида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар ҳам ўрин олган.




Бўлимнинг “Давлат дастурлари” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/davlat-dasturlari) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат томонидан тасдиқланган йиллик ривожланиш дастурлари асосида Давлат статистика қўмитаси тизимига юклатилган вазифаларнинг ўтган даврлар бўйича ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириб борилади.



Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун **“Матбуот хизмати”** бўлимининг “ОАВ учун аккредитация тартиби” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/oav-uchun-akkreditatsiya-tartibi) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби бўйича маълумотлар акс этган.




Мазкур тартиб бўйича ОАВ вакиллари томонидан юборилган сўров ташкил этилган Аккредитация комиссиясининг эксперт гуруҳи томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**“Матбуот хизмати”** бўлимининг “Режалаштирилаётган тадбирлар” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/rejalashtirilayotgan-tadbirlar) Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари – Раиснинг матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси масъуллигида Давлат статистика қўмитаси фаолиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган Медиа-режа эълон қилинган.




Медиа-режада ОАВ ҳамда қўмита ҳамкорлигида ташкиллаштириладиган матбуот анжуманлари, брифинг, конференциялар, пресс-турларни ўтказиш муддатлари ҳамда эълон қилинадиган ресурслар бўйича маълумотлар акс этган. ОАВ вакиллари мазкур Медиа режадан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилаётган тадбирларда иштирок этишлари ва белгиланган мавзулар бўйича ўзларига керак бўлган маълумотларни олишлари мумкин.

“ОАВ билан ҳамкорлик” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/oav-bilan-hamkorlik) Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган телеканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет сайтлари билан ҳамкорликдаги қўшма иш режалари жойлаштирилган.

“ОАВ биз ҳақимизда” саҳифасида (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/oav-biz-haqimizda) ўтган даврлар мобайнида Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган янгиликларнинг энг оммабоп Интернет сайтлари ва Telegram каналларида эълон қилиниши бўйича ахборотлар жойлаштирилган.




Фойдаланувчилар мазкур саҳифада жойлаштирилган ахборотлардаги ҳаволалар орқали статистиканинг турли соҳаларига тегишли бўлган таҳлилий маълумотлардан хабардор бўлишлари мумкин.



**Davlat statistika qo‘mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlangan yangiliklarning eng ommabop Internet saytlari va telegram kanallarida e'lon qilinishi bo‘yicha axborot**

*Noyabr holatiga*

| № | OAV nomi | Yangilik sarlavhasi |
|---|---|---|
| 1 | Yuz.uz | 9 ойда 4 минг тонна юк ҳаво транспорти орқали ташилган |
| 2 | Yuz.uz | Ўзбекистон асосан қайси давлатлардан енгил автомобил импорт қилмоқда? |
| 3 | Xs.uz | Ўзбекистонда синов тариқасида аҳолини онлайн рўйхатга олиш ўтказилади |
| 4 | Bugun.uz | Ўзбекистон 9 ойда нечта енгил автомобиль импорт қилгани маълум бўлди |
| 5 | Yuz.uz | Ўзбекистон асосан қайси давлатлардан енгил автомобил импорт қилмоқда? |
| 6 | Yuz.uz | 9 ойда 4 минг тонна юк ҳаво транспорти орқали ташилган |
| 7 | Xabar.uz | 1– 5 ноябрь кунлари аҳолини онлайн рўйхатга олиш ўтказилади |
| 8 | Xabar.uz | Ўзбекистонликлар 9 ойда 390 миллион долларга хориждан машина сотиб олди |
| 9 | Ishtixonovozi | 1–5 ноябр кунлари синов тариқасида аҳолини онлайн рўйхатга олиш ўтказилади |
| 10 | Xabar.uz | Бу йил ҳаво транспортидан фойдаланувчилар сони кескин ортди |
| 11 | Sof.uz | Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали 9 ойда қанча йўловчи ташилгани маълум бўлди |
| 12 | Jahon.uz | Бу йил ҳаво транспортида ташилган йўловчилар сони кескин кўпайди |
| 13 | Qalampir.uz | Палов индекси: энг қиммат ва арзон ош қаерда сотилади? |
| 14 | Jahon.uz | Юртимизда энг қиммат палов қайси ҳудудда сотилиши маълум бўлди |
| 15 | Human.uz | Хитой автомобиллари Ўзбекистон бозорини эгаллайдими – Хитой ва Корея |

**“Матбуот хизмати”** бўлимининг “Электрон журнал” саҳифасида доимий равишда Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан шакллантириладиган “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали эълон қилиб борилади



Мазкур электрон журналга Интернет тармоқининг http://statmirror.uz ҳаволаси орқали ҳам ўтиш мумкин.




Ушбу даврий журнал орқали, Давлат статистика қўмитаси ва унинг жойлардаги мутахассис ходимлари, институтда фаолият юритаётган илмий ходим ва профессор-ўқитувчилар, статистика соҳаси билан фаолияти боғлиқ бўлган бошқа тармоқ ва соҳа ходимлари, статистика соҳасида таҳсил олаётган бакалавр, магистр ва докторантлар ўз илмий ғоя ва янгиликларини кенг оммага намоён қилиш, таҳлил ва тадқиқ этиш имкониятига эга бўлади. Журнал электрон кўринишда бўлгани учун, ундан интернет тармоғидаги бутун дунё статистиклари ва унга қизиқувчи барча турдаги фойдаланувчилар маълумот олишлари мумкин. Журналда илмий мақолалар ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида чоп этилади. Журналга келган мақолалар мустақил экспертлар томонидан ҳолисона баҳоланиб, ижобий тақриз олингандан кейин чоп этишга рухсат этилади.

**9.** Мамлакатларни иқтисодий салоҳиятини намоён қилувчи асосий маълумот манбаи ҳисобланадиган Халқаро валюта жамғармасининг “кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими” (e-GDDS) қўмита веб-сайтининг “IMF E-GDDS” саҳифасида жойлаштирилган.



Тизим доирасида асосий макроиқтисодий, молиявий ва айрим ижтимоий кўрсаткичлар белгиланган талаблар асосида эълон қилиб борилади. Шунингдек, фойдаланувчилар мазкур тизимга Интернет тармоғининг https://nsdp.stat.uz ҳаволаси орқали мурожаат қилган ҳолда ҳам маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.




**9.** Давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларида **“Мурожаатлар”** саҳифаси мавжуд бўлиб, ушбу саҳифада мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатлар статистикаси, виртуал қабулхона, ишонч телефонлари, фуқароларни қабул қилиш жадвали, сайёр қабул жадваллари мунтазам эълон қилиб борилмоқда.




Мазкур бўлимнинг “Савол бериш” саҳифасида (https://stat.uz/uz/murojaatlar/savol-berish) электрон почта манзиллари, ариза йўллаш учун намуна, оғзаки мурожаат этиш учун телефон рақамлари кўрсатилган бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга мурожаат йўллашлари учун қулайликлар мавжуд. Мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда ўз муддатларида кўриб чиқилиб, ёзма равишда жавоб хатлари муаллифнинг яшаш манзилларига, электрон почта манзилларига ўз хохишларига кўра тақдим этилади.

Бўлимнинг “Қабул қилиш” саҳифасида (https://stat.uz/uz/murojaatlar/qabul-qilish-jadvali) Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг фуқароларни қабул қилиш кунлари ва вақтлари бўйича маълумотлар жойлаштирилган.

Фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва худудий статистика органларининг Интернет тармоғининг https://stat.uz/uz/murojaatlar/ishonch-telefonlari ҳаволасида келтирилган қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат қилишлари мумкин:



**Ish tartibi:**

**Markaziy apparat:**
dushanba-juma: 9-00 dan 18-00 gacha
tushlik: 13-00 dan 14-00 gacha

**Hududiy Boshqarmalar:**
dushanba-juma: 9-00 dan 18-00 gacha
tushlik: 13-00 dan 14-00 gacha

| Markaziy apparat | (71) 202-81-80; 202-81-81 |
|---|---|
| Qoraqalpog`iston Respublikasi | (61) 224-92-10; 222-74-58 |
| Andijon viloyati | (74) 228-29-45 |
| Buxoro viloyati | (65) 220-29-45; 223-81-58 |
| Jizzax viloyati | (72) 222-81-37 |
| Qashqadaryo viloyati | (75) 220-04-19; 221-16-42 |
| Navoiy viloyati | (79) 222-04-64; 223-31-69 |
| Namangan viloyati | (69) 227-84-84 |
| Samarqand viloyati | (66) 235-58-95 |
| Surxondaryo viloyati | (76) 225-65-73 |
| Sirdaryo viloyati | (67) 225-02-34 |
| Toshkent viloyati | (71) 202-86-63 |
| Farg`ona viloyati | (73) 249-87-30; 241-97-99 |
| Xorazm viloyati | (62) 227-78-91 |
| Toshkent shahar | (71) 203-88-07; 203-88-08 |

**10.** Қўмита веб-сайтининг **“Фойдали маълумотлар”** рукнида фойдаланувчилар учун қизиқарли маълумотлар бўйича ҳаволалар келтирилган.



Мазкур рукннинг “Истеъмол нархлари индекси калькулятори” саҳифасида (http://web.stat.uz/cpi_calc/index.php?lang=uz) фойдаланувчилар 2000 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврлар бўйича истеъмол нархлари индекси тўғрисида маълумотларни ўзларига керак бўлган давр учун шакллантириб олишлари учун имконият яратилган.




Рукннинг “Доимий аҳоли сони” саҳифасида (https://stat.uz/uz/59-foydali-ma-lumotlar/5859-o-zbekiston-aholisi-3) Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони тўғрисидаги маълумотлар онлайн тарзда кунлик янгиланиб борилиши йўлга қўйилган.



Фойдаланувчилар Давлат статистика қўмитаси томонидан статистикага оид турли масалаларда ўтказилаётган сўровномаларда иштирок этишлари учун **“Фойдали маълумотлар”** рукнининг “Сайтдаги сўровномалар” саҳифаси (http://web.stat.uz/opros/) жорий қилинган.




Ушбу сўровномаларда фойдаланувчилар томонидан берилган жавоблар ва таклифлар эътиборга олиниб, давлат статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш ва тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг сифатини яхшилашда ёрдам беради.

**11.** Давлат статистика қўмита томонидан фойдаланувчилар учун маълумотлар тақдим этиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида қўмитанинг gender.stat.uz, aholi.stat.uz, nsdg.stat.uz сайтлари ҳамда data.gov.uz очиқ маълумотлар портали фаолият юритмоқда.

**12.** Қўмитанинг **gender.stat.uz** сайти орқали фойдаланувчилар учун Гендер статистикаси бўйича турли соҳалар кесимидаги маълумотлар доимий тарзда тақдим этиб борилмоқда.



Гендер статистикаси анъанавий статистика йўналишларининг ажралмас қисми бўлиб, аёллар ва эркаклар ҳаётини акс эттирувчи статистикани аниқлаш, ишлаб чиқариш ва тарқатишга хизмат қилади ҳамда гендер сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Гендер статистикаси инсон ҳақида маълумотлар тўпланадиган барча статистик мавзуларга тааллуқли бўлиб, мавҳум ёки алоҳида ажратиладиган йўналиш эмас, аксинча, иқтисодий статистика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, бандлик ва демография каби статистиканинг бошқа барча соҳалари билан боғлиқ бўлган йўналишдир. У эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги мавқейи бўйича фарқларни ўрганиш имконини беради. Бундай статистик маълумотлар гендер муаммоларини ҳал қилиш ва гендер тенглигига эришиш сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутади.

**13.** Қўмитанинг aholi.stat.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикасида “Аҳолини рўйхатга олиш” тадбирларини ўтказиш бўйича маълумотлар фойдаланувчилар учун доимий равишда эълон қилиб борилмоқда.




Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва у келгуси 10 - 30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади, ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича якка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

**14.** Қўмитанинг nsdg.stat.uz сайтида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрь ойида БМТнинг Барқарор ривожланиш саммитида қабул қилинган 70-сонли резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини (кейинги ўринларда – БРМ) изчил амалга ошириш бўйича тизимли

ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 20 октябрда 2030 йилгача бўлган давр учун 16та Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган 125та вазифалар бўйича маълумотлар эълон қилиб борилмоқда.




Барқарор ривожланиш мақсадлари – камбағал, бой ва ўртача ривожланган барча мамлакатлар томонидан ҳаракатга чорловчи ўзига хос даъватдир. Улар бизнинг сайёрамизнинг фаровонлиги ва ҳимоясини яхшилашга қаратилган. Дунё мамлакатлари қашшоқликни бартараф этиш чоралари иқтисодий ўсишни кучайтириш ва таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, шунингдек, иқлим ўзгариши ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар билан биргаликда қабул қилиниши зарурлигини тан оладилар. Барқарор ривожланиш мақсадлари – барқарор ривожланишнинг ҳар учта компоненти, яъни иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва экологик барқарорлик мувозанатини таъминлашга қаратилган.

**15.** Қўмита томонидан Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини максимал даражада қамраб олган маълумотлар билан таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **data.gov.uz** очиқ маълумотлар портали фаолияти йўлга қўйилган.

Очиқ маълумотларнинг эълон қилиниши ва улардан фойдалана олиш имкониятининг яратилиши туфайли давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги, жамоат назоратини амалга ошириш имкони, шунингдек жисмоний шахслар ва тадбиркорлар учун янги хизматлар яратилиши таъминланади.

Давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ва ахборотларни очиқ маълумотлар кўринишида эълон қилиниши улардан турли ахборот ресурсларини шакллантиришда манбаа сифатида ва ахборот тизимларини, шунингдек, ҳам давлат органлари, ҳам тадбиркорлик субектлари учун хизмат ва иловалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Инернет тармоғида очиқ маълумотлар учун “ягона нуқта” вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали ишга туширилган бўлиб, унинг асосий мақсади қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун мос форматларда давлат органлари фаолияти тўғрисида маълумотларни турли гуруҳ фойдаланувчиларига тақдим этишдан иборат.




**16.** Қўмита томонидан шакллантирилаётган расмий статистик маълумотлар мунтазам равишда қўмитанинг ижтимоий тармоқлардаги қуйидаги саҳифаларида эълон қилиб борилмоқда:

**Telegram** тармоғида – https://t.me/uzstataxborot

**Facebook** тармоғида – https://www.facebook.com/uzstataxborot

**Instagram** тармоғида – https://www.instagram.com/uzstataxborot

**Youtube** тармоғида – https://www.youtube.com/c/davlatstatistikaqo‘mitasi